



ТРАНСФЕРТ НАРХНИ БЕЛГИЛАШДА СОЛИҚ НАЗОРАТИДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН УСУЛЛАР ТАХЛИЛИ

Абдиев Жаҳонгир Ибрагимович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0007-9907-5262

jahongir.abdiev@soliq.uz

Аннотация. Ушбу мақолада жаҳондаги нуфузли компанияларда молиявий ҳолатни барқарорлаштириш, янги иш ўринларини яратиш ва иқтисодий ўсишга эришиш мақсадида «бошқарувнинг халқаро стандартларига ўтиш, кластер ва кооперация тизимидаги субъектларда молиявий битимлар тузиш жараёнида трансферт баҳолардан фойдаланиш, операцион сегментлар бўйича молиявий ва бошқарув ҳисоботларини тақдим этиш» лозимлиги белгилаб қўйилган.

Калит сўзлар: солиқ, фискал сиёсат, бюджет, солиқ маъмурияти, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, ижобий таҳлил, солиқ юки, вакиллик солиқ ставкаси, ўртача ставка, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, бозор нархи, бошқарув ҳисоби, трансферт баҳо.

АНАЛИЗ МЕТОДОВ, ИСПОЛЬЗУЕМЫХ В НАЛОГОВОМ КОНТРОЛЕ ПРИ УСТАНОВЛЕНИИ ТРАНСФЕРТНОЙ ЦЕНЫ

Абдиев Джаҳангир Ибрагимович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье отмечается необходимость «перехода на международные стандарты управления, использования трансфертных оценок в процессе заключения финансовых сделок в субъектах кластерной и кооперативной систем, предоставления финансовой и управленческой отчетности по операционным сегментам» в целях стабилизации финансового положения, создания новых рабочих мест и достижения экономического роста в авторитетных компаниях мира.

Ключевые слова: налог, фискальная политика, бюджет, налоговое администрирование, налоговый потенциал, нормативный анализ, положительный анализ, налоговая нагрузка, репрезентативная налоговая ставка, средняя ставка, налоговая отчетность, налоговые поступления, анализ, положительный анализ, налоговая нагрузка, рыночная цена, Управленческий учет, трансфертная оценка.

ANALYSIS OF THE METHODS USED IN TAX CONTROL WHEN DETERMINING THE TRANSFER PRICE

Abdiev Jakhongir Ibragimovich
Tashkent State University of Economics

Annotation. *In order to stabilize the financial situation in prestigious companies around the world, create new jobs and achieve economic growth, it is necessary to "switch to international standards of management, use transfer assessments in the process of concluding financial agreements in the cluster and cooperative system entities, provide financial and management reports on operational segments".*

Keywords: *tax, fiscal policy, Budget, Tax Administration, tax potential, regulatory analysis, positive analysis, tax burden, representative tax rate, average rate, tax report, tax revenues, analysis, positive analysis, tax burden, market price, management accounting, transfer assessment.*

Кириш.

Трансферт нархлар фойданинг солиқ ставкалари паст бўлган мамлакатларга олиб ўтилишига ёки солиққа тортишдан қочишга ёрдам беради. Дунё бўйлаб ҳукуматлар адолатли солиққа тортишни таъминлаш ва берилган имтиёзлар суистеъмол қилинишининг олдини олиш учун трансферт нархларини қатъий назорат қилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида трансферт нархлар шаклланишини назорат қилиш йўналиши янгилиги, назорат жараёни энди бошланаётгани туфайли трансферт нархлари шаклланиши ҳисобига бюджетга солиқ тушумларининг тўлиқ тушмаслигини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Трансферт нархни тартибга солишнинг бир қисми сифатида Ўзбекистонда трансферт нарх шаклланиши назоратини амалда қўллаш ҳамда янги қоидаларни ўрганиб бориш ва қўллаш, Ўзбекистон қонунчилигидаги бўшлиқларни тўлдириш муҳим ҳисобланб, тадқиқот ишининг долзарблигини ва танланган мавзунинг ҳозирги даврда ечимини кутаётган муҳим мавзуга бағишланганлигини кўрсатади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишимизни ёритишда таққослаш, анализ, синтез, иқтисодий таҳлил, аналитик таҳлил усулларидан фойдаланилди. Маълумотларни аналитик таҳлил усулидан фойдаланилган ҳолда кенгроқ қилиб ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Натижада муаммолар аниқланиб, муаммоларга тегишли илмий асосланган таклифлар берилди ва мушоҳада қилиш асосида илмий хулосаларга келинди.

Адабиётлар шарҳи.

Трансферт нархни белгилашда илмий тадқиқотлар ривожланган мамлакатларда тадқиқот йўналишини сифатида ўрганилиб келинмоқда.

Хасанов (2003) фикрига кўра трансферт баҳо сиёсати масаласи бўйича молиячи ва маркетинглар ўртасида уни шакллантиришга нисбатан икки муқобил ёндашув – харажатлар ва қиймат ёндашувлари соҳасида баҳс-мунозара келиб чиқади деб такидлаган.

Трансферт баҳолар тўғрисида мулоҳаза юритишда унинг бозор баҳолари билан фарқли жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Амалдаги Солиқ кодексининг «Бозор нархлари тўғрисидаги умумий қоидалар» моддасида битимларнинг нархлари, ушбу битимлар тарафларининг даромадлари ва харажатлари бозор нархлари сифатида тан олиниши учун қуйидаги талаблар бажарилиши таъкидланган: мустақил шахслар ўртасидаги битимлар, биржа савдоларининг натижаларига кўра тузилган

битимлардаги шартномавий нархлар банди ёки нархларни келишиш баённомаси, солиқ тўловчи солиқ (зарар) суммаларига мустақил тузатиш киритишни амалга оширмаган бўлса ва қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолатларда бозор нархи деб топилади.

Соя-Серко (2020) трансферт баҳоларни устидан ўрнатилган солиқ назоратига ишора қилиб, уларни иқтисодий адабиётларда шубҳали ёки ғайриоддий баҳо деб қаралаётганини эътироф этади. Унинг фикрича, трансферт баҳога берилган таъриф ўринли бўлиб, бу ҳолат трансферт баҳоларнинг тижорат мақсадларига эришиш учун бозордан ташқарида томонларнинг келишувига мувофиқ аниқланиши ҳамда айнан солиқ юкини пасайтириш мақсадида қўлланилиши билан изоҳланади.

Аврова (2007) таъкидлашича бошқарув ҳисоби – бу бошқаришнинг режалаштириш, тартибга солиш, ташкиллаштириш ва рағбатлантириш каби функциялари билан бир қаторда бўлган асосий функциясидир. Бу шуни англатадики, бошқарувни такомиллаштириш, бозор механизмини яратиш бухгалтерия ҳисоби тизимини ривожлантириш билан узвий боғлиқдир.

Богатин (2007) бошқарув ҳисобини ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бир қисми сифатида тавсифлаб, у корхонани бошқаришда комплекс маълумотлар билан таъминлашни амалга ошириш бошқа турдаги хизматлар билан биргаликда корхонанинг нормал фаолият юритиш жараёнига зарур бўлган инфратузилмаси бўлиб ҳисобланади.

Друри (2003) бошқарув ҳисобини менежерларга ташкилот ишлаш кўрсаткичларини аниқлаш, режалаштириш, назорат қилиш ва баҳолашда зарур бўлган ахборотни етказиб беришда кўради. У ўз ишларида бошқарув ҳисобининг қуйидаги позицияларига эътибор қаратади;

- бошқарув ҳисобининг мақсади;
- ҳисоб ахбороти фойдаланувчилари;
- бошқарув ва молиявий ҳисоб тизимларининг қиёсий хусусиятлари;
- қарор қабул қилиш жараёни;
- трансферт баҳони шакллантириш;
- бошқарув жараёни;
- бошқарув жараёнида бухгалтер-таҳлилчиларнинг роли.

Попова (2014) солиқ потенциални баҳолашнинг ягона методикасини ишлаб чиқишда қуйидагилар билан боғлиқ бўлган илмий асосланган бошқарув қарорлари қабул қилиш зарурлигини кўрсатиб ўтган: донор ҳудудлар ва дотацион ҳудудлар ўртасида ҳудудлараро трансфертлар тақсимланиши; ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг ишлаб чиқилиши; амалдаги солиқ тизимининг миқдорий баҳоланиши ва уни янада ривожлантириш йўллари мавжудлиги; ҳудудлар даражасида тармоқлар кесими, шунингдек, солиқ потенциали динамикасининг шаклланиш позицияси бўйича таққослашдан фойдаланиш имкониятлари; солиқ рақобати позициясидан ҳудудларни баҳолаш имкониятини берувчи солиқ потенциални давлатлараро таққосланиши.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Солиқ кодексининг 37-моддасида ўзаро боғлиқ бўлган шахсларга тариф берилган.

Солиқ кодексининг 180-моддасида ўзаро алоқадор шахслар ўртасидаги назорат қилинадиган битимларга тариф берилган.

Бунда юқоридаги 2 та модданинг бирида ўзаро боғлиқ бўлган шахс билан ўзаро алоқадор бўлган шахслар бир хил манони англатади (*Кодекснинг рус тилидаги матнида 2 та моддада ҳам “Взаимосвязанные лица” дейилган. Таржимада 2 хил таржима қилинган*).

Солиқ кодексининг 37-моддасига мувофиқ ўзаро боғлиқ бўлган шахслар қуйидагича баён этилган.

Агар шахслар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ушбу шахслар тузадиган битимларнинг шартларига ва (ёки) натижаларига ва (ёки) ушбу шахслар фаолиятининг иқтисодий натижаларига ёки ўзларини вакил қилган шахсларнинг фаолиятига таъсир кўрсатса, ушбу қисмда кўрсатилган шахслар солиқ солиш мақсадларида ўзаро боғлиқ бўлган шахслар деб эътироф этилади.

Шахсларнинг ўзаро боғлиқлигини эътироф этиш учун бир шахснинг бошқа шахслар капиталида улар ўртасида тузилган битимга мувофиқ иштирок этиши туфайли ёхуд бир шахснинг бошқа шахслар томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилашда бошқача имконияти мавжуд бўлганда кўрсатилиши мумкин бўлган таъсир инobatга олинади. Бундай таъсир, у битта шахс томонидан бевосита ва мустақил равишда ёки шахснинг ушбу моддага мувофиқ ўзаро боғлиқ деб эътироф этиладиган ўзаро боғлиқ шахслари билан биргаликда кўрсатилиши мумкинлигидан ёки мумкин эмаслигидан қатъий назар, инobatга олинади.

Юқоридаги иккита қисм инobatга олинган ҳолда қуйидагилар ўзаро боғлиқ шахслар деб эътироф этилади:

- юридик шахслар, агар бир юридик шахс бошқа юридик шахсда бевосита ва (ёки) билвосита иштирок этса ва бундай иштирокнинг улуши 20 фоиздан ортиқни ташкил этса;

- жисмоний шахс ва юридик шахс, агар жисмоний шахс ушбу юридик шахсда бевосита ва (ёки) билвосита иштирок этса ҳамда бундай иштирокнинг улуши 20 фоиздан ортиқни ташкил этса;

- юридик шахслар, агар айни бир шахс бевосита ва (ёки) билвосита ушбу юридик шахсларда иштирок этса ва ҳар бир юридик шахсдаги бундай иштирокнинг улуши 20 фоиздан ортиқни ташкил этса;

- юридик шахс ва ушбу юридик шахснинг якка тартибдаги ижро этувчи органи тайинловига (сайловига) кўра ёки ушбу юридик шахснинг коллегиял ижро этувчи органи ёки директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) таркиби камида 50 фоизининг тайинловига (сайловига) кўра ваколатларга эга бўлган шахс (шу жумладан жисмоний шахс). Жисмоний шахс билан боғлиқ ҳолда, унинг ваколатларини белгилаш чоғида жисмоний шахснинг ушбу қисмнинг 11-бандида кўрсатилган ўзаро боғлиқ шахслари билан биргаликдаги ваколатлари ҳам инobatга олинади;

- коллегиял ижро этувчи орган ёки директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) таркибининг камида 50 фоизи айни бир шахснинг (шу жумладан жисмоний шахснинг) қарорига кўра тайинланган ёки сайланган юридик шахслар. Жисмоний шахс билан боғлиқ ҳолда эса, ушбу шахснинг қарорларини белгилаш чоғида унинг ушбу қисмнинг 11-бандида кўрсатилган ўзаро боғлиқ шахслари билан биргаликда қабул қилинган қарорлари ҳам инobatга олинади;

- коллегиял ижро этувчи орган ёки директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) таркибининг 50 фоиздан ортиғини айни бир жисмоний шахслар ташкил этадиган юридик шахслар. Бунда жисмоний шахснинг бевосита иштироки ушбу қисмнинг 11-бандида кўрсатилган шахс билан ўзаро боғлиқ шахсларнинг иштирокига тенглаштирилади;

- юридик шахс ва унинг якка тартибдаги ижро этувчи органи ваколатларини амалга оширувчи шахс;

- якка тартибдаги ижро этувчи органнинг ваколатлари айни бир шахс томонидан амалга ошириладиган юридик шахслар;

- юридик шахслар ва (ёки) жисмоний шахслар, агар ушбу шахсларнинг бири бошқа шахсда бевосита иштирок этишини акс эттирувчи кетма-кетликда ҳар бир илгариги шахснинг кейинги юридик шахсдаги бевосита иштироки 50 фоиздан ортиқни ташкил этса;

- жисмоний шахслар, агар бир жисмоний шахс бошқа жисмоний шахсга лавозим мавқеи бўйича бўйсунса;

- жисмоний шахс, унинг эри (хотини), ота-онаси (шу жумладан уни фарзандликка олган ота-онаси), эрининг (хотинининг) ота-онаси, фарзандлари (шу жумладан у фарзандликка олган фарзандлар), тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган қариндош ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек васийси (ҳомийси) ва жисмоний шахс ҳомийлигидаги шахс.

Жисмоний шахснинг ва унинг юқоридаги охириги бандда кўрсатилган ўзаро боғлиқ шахсларининг юридик шахсда иштирок этишининг жами улуши ушбу модданинг мақсади учун жисмоний шахснинг ушбу юридик шахсда иштирок этиши улуши деб эътироф этилади.

Агар шахслар томонидан тузиладиган битимларнинг шартларига ва (ёки) натижаларига ва (ёки) бу шахслар фаолиятининг иқтисодий натижаларига бир ёки бир нечта бошқа шахслар томонидан уларнинг бозордаги устун мавқеи туфайли ёхуд бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли таъсир кўрсатилса, бундай таъсир шахсларни ўзаро боғлиқ деб эътироф этиш учун асос бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон юридик шахсларидаги бевосита ва (ёки) билвосита иштироки бундай юридик шахсларни ўзаро боғлиқ деб эътироф этиш учун ўз-ўзидан асос бўлмайди. Мазкур юридик шахслар ушбу моддада назарда тутилган бошқа асосларга кўра ўзаро боғлиқ деб эътироф этилиши мумкин.

Агар ўзаро боғлиқ шахслар ўртасидаги муносабатлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган белгиларга эга бўлса, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилмаган бошқа асослар бўйича шахсларни ўзаро боғлиқ деб эътироф этиш суд томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 138-моддасида Юридик шахсда иштирок этиш улушини аниқлаш тартиби белгиланган. Мазкур аниқлаш тартибини қуйида тушунтириб ўтаемиз.

Солиқ солиш мақсадида бир жисмоний ёки юридик шахснинг (бундан буён – шахс деб юритилади) улуши танланган бошқа юридик шахсдаги (бундан буён – танланган юридик шахс деб юритилади) улушни аниқлаш учун ушбу шахснинг танланган юридик шахсда бевосита ва билвосита иштирок этиш улушларининг суммаси тарзида аниқланади.

Танланган юридик шахс овоз берувчи акцияларининг бевосита шу шахсга тегишли бўлган улуши ёки танланган юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) бевосита ушбу шахсга тегишли бўлган улуши юридик шахсда **бевосита иштирок этиш улуши** деб эътироф этилади.

Мисол учун “А” ташкилот “Б” ташкилотнинг устав капиталининг 25% ига эгалик қилади. Бунда бевосита иштирок этиш улуши 25% ни ташкил этади.

Шахснинг танланган юридик шахсда билвосита иштирок этиш улуши қуйидагича аниқланади:

1) ушбу шахснинг танланган юридик шахсда иштирок этишининг барча кетма-кетлиги ҳар бир илгариги юридик шахснинг тегишли кетма-кетликдаги ҳар бир кейинги юридик шахсдаги бевосита иштироки орқали аниқланади;


2) ҳар бир илгариги юридик шахснинг ҳар бир кейинги юридик шахсдаги бевосита кетма-кетликдаги иштирок этиш улуши аниқланади;

3) ҳар бир шундай кетма-кетлик учун ушбу кетма-кетликнинг барча юридик шахслари учун бевосита иштирок этиш улуши топилади;

4) ҳар бир шундай кетма-кетлик учун топилган бевосита иштирок этиш улушларининг барчаси жамланади.

Мисол учун қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

“А” МЧЖнинг “Д” МЧЖдаги билвосита иштирокини аниқлаш керак.



Манба: муаллиф томонидан илмий изланишлар натижасида шакллантирилди.

“А” МЧЖнинг “Д” МЧЖдаги иштироки кетма-кетлигини топамиз: А-Б-С-Д. Ҳар бир олдинги ташкилотнинг кейинги ташкилотдаги бевосита иштироки улушлари маълум: 30%, 40%, 50%. Ушбу улушларни кўпайтирамиз: $0,3 \cdot 0,4 \cdot 0,5 \cdot 100\% = 6\%$.

Шундай қилиб, “А” МЧЖнинг “Д” МЧЖдаги билвосита иштироки улуши 6% ни ташкил қилади. Солиқ кодексининг 180-моддасига мувофиқ, ушбу моддада назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ўзаро алоқадор шахслар ўртасидаги битимлар назорат қилинадиган битимлар деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти бўлган ўзаро алоқадор шахслар ўртасидаги битим қуйидаги ҳолатлардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлганда назорат қилинадиган битим деб эътироф этилади:

1) мазкур шахслар ўртасидаги битимлар бўйича тегишли календарь йилдаги даромадлар суммаси (битимлар нархларининг суммаси) беш миллиард сўмдан ошса;

2) битимнинг ҳеч бўлмаганда битта тарафи махсус солиқ режимини қўлласа ёки махсус иқтисодий зона иштирокчиси бўлса, бунда бу битимнинг бошқа тарафлари орасида махсус солиқ режимларини қўлламайдиган шахс бўлса;

3) битимнинг ҳеч бўлмаганда битта тарафи фойда солиғини тўлашдан озод этилган бўлса, пасайтирилган солиқ ставкасини ёки бошқа солиқ имтиёзларини қўлласа, бунда бу битимнинг бошқа тарафлари орасида бундай солиқни тўлашдан озод этилмаган ва имтиёзларни қўлламайдиган шахс бўлса;

4) битимнинг тарафларидан бири томонидан қазиб олинган фойдали қазилма битим предмети бўлса, агар ушбу фойдали қазилмага нисбатан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг адвалор солиқ ставкаси назарда тутилган бўлса.

Юқоридаги 2-4-бандларда назарда тутилган битимлар, агар мазкур шахслар ўртасидаги битимлар бўйича даромадларнинг тегишли календарь йилдаги суммаси беш юз миллион сўмдан ортиқ бўлса назорат қилинадиган битим деб ҳисобланади. Товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир, ушбу товарларнинг (хизматларнинг) биринчи сотувчиси ва охири харидори билан ўзаро алоқадор бўлмаган шахслар иштирокида (воситачилигида) тузиладиган битимлар кетма-кетлиги ёки мажмуи, агар мазкур сотувчи ва харидор ўзаро алоқадор шахслар бўлса, ушбу Кодекс мақсадида ўзаро алоқадор шахслар ўртасидаги битимга тенглаштирилади. Бундай ҳолларда, ўз иштирокида (воситачилигида) битимларнинг мазкур кетма-кетлиги ёки мажмуи амалга ошириладиган учинчи шахсларнинг мавжудлиги эътиборга олинмайди.

Бунда, башарти битимларнинг мазкур кетма-кетлигида ёки мажмуида иштирок этувчи бундай учинчи шахслар:

1) битимларнинг ушбу кетма-кетлигида ёки мажмуида ҳеч қандай қўшимча вазифаларни бажармаса, бундан товарларни (хизматларни) бир шахс томонидан бошқа шахсга реализация қилишни (қайта сотишни) ташкил этиш мустасно;

2) ўз зиммасига ҳеч қандай таваккалчиликларни қабул қилмаса ва товарларни (хизматларни) бир шахс томонидан бошқа шахсга реализация қилишни (қайта сотишни) ташкил этиш учун ҳеч қандай активлардан фойдаланмаса, қўлланилади.

Ушбу модда мақсадида календарь йил учун битимлар бўйича даромадлар суммаси бир шахс (ўзаро алоқадор шахслар) билан тузилган шундай битимлар бўйича календарь йилда олинган даромадлар суммасини фойда солиғи учун белгиланган даромадларни эътироф этиш тартибини ҳисобга олган ҳолда қўшиш йўли билан аниқланади. Солиқ қўмитасининг аризасига кўра, суд битимни мазкур битимнинг ушбу моддада белгиланган назорат қилинадиган битим белгиларига жавоб бермаслигига сабаб бўладиган шароитлар яратиш мақсадида тузилган бир турдаги битимлар гуруҳининг қисми деб тахмин қилиниши учун етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда назорат қилинадиган битим деб эътироф этиши мумкин.

Солиқ кодексининг 181-моддасига мувофиқ, назорат қилинадиган битимлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

Назорат қилинадиган битимлар		Айланма*
Ўз.Р резидентги ўртасидаги битимлар	Ўзаро боғлиқ бўлган шахслар ўртасидаги битимлар	5 миллиард сўмдан ошса
	Ўзаро боғлиқ бўлган шахслар ўртасидаги битимлар, агар: - битимнинг ҳеч бўлмаганда битта тарафи махсус солиқ режимини қўлласа ёки махсус иктисодий зона иштирокчиси бўлса**; - битимнинг ҳеч бўлмаганда битта тарафи фойда солиғини тўлашдан озод этилган бўлса, пасайтирилган солиқ ставкасини ёки бошқа солиқ имтиёзларини қўлласа, бунда бу битимнинг бошқа тарафлари орасида бундай солиқни тўлашдан озод этилмаган ва имтиёзларни қўлламайдиган шахс бўлса; - битимнинг тарафларидан бири томонидан қазиб олинган фойдали қазилма битим предмети бўлса***.	500 миллион сўмдан ортиқ бўлса
Ташқи савдо битимлари	Ўзаро боғлиқ бўлган шахслар ўртасидаги битимлар	чегара ўрнатилма - ган
	Жаҳон биржа савдоси товарлари нинг ташқи савдоси соҳасидаги битимлар: (рангли металлар; қимматбаҳо металлар; минерал ўғитлар; углеводород хомашёси ва нефть маҳсулотлари; пахта толаси ва калава ип) тарафларидан бирининг рўйхатдан ўтказилиш жойи, янаш жойи ёки солиқ резидентлиги жойи оффшор юрисдикция бўлган шахс ҳисобланадиган битимлар	

* битим бўйича даромад суммасининг чегаравий миқдори

** Шу билан бирга ушбу битимнинг бошқа тарафлари орасида махсус солиқ режимларини қўлламайдиган шахс бўлса

*** Агар ушбу фойдали қазилмага нисбатан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг **адвалор** солиқ ставкаси назарда тутилган бўлса

1-расм. Назорат қилинадиган ташқи савдо битимлари таркибига кирувчи товарлар таҳлилида қуйидагиларни кўришимиз мумкин

Манба: муаллиф томонидан илмий изланишлар натижасида шакллантирилди.

- 1) жаҳон биржа савдоси товарларининг ташқи савдоси соҳасидаги битимлар;
- 2) тарафларидан бирининг рўйхатдан ўтказилиш жойи, янаш жойи ёки солиқ резидентлиги жойи оффшор юрисдикция бўлган шахс ҳисобланадиган битимлар.

Агар бунда Ўзбекистон Республикаси юридик шахсининг фаолияти оффшор юрисдикцияда доимий муассасани ташкил этса ва назорат қилинадиган битим ушбу фаолият билан боғлиқ бўлса, ушбу битим қисмида мазкур юридик шахсга рўйхатдан ўтказилиш жойи ушбу оффшор юрисдикция бўлган шахс сифатида қаралади.

Ушбу модданинг биринчи қисми 1-бандида назарда тутилган битимлар, агар бундай битимларнинг предмети қуйидаги товар гуруҳларидан бирининг ёки бир нечтасининг таркибига кирувчи товарлар бўлса, назорат қилинадиган битимлар деб эътироф этилади:

- 1) рангли металлар;
- 2) қимматбаҳо металлар;
- 3) минерал ўғитлар;
- 4) углеводород хом ашёси ва нефть маҳсулотлари;
- 5) пахта толаси ва калава ип.

Солиқ қўмитасининг аризасига кўра суд битимни ушбу моддада белгиланган назорат қилинадиган битим белгиларига жавоб бермаслигига сабаб бўладиган шароитлар яратиш мақсадида тузилган бир турдаги битимлар гуруҳининг қисми деб тахмин қилиниши учун етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳам назорат қилинадиган битим деб эътироф этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида юқорида санаб ўтилган 5 хил турдаги товарларнинг ташқи савдоси соҳасидаги битимларни назорат қилинадиган битим деб эътироф этилишининг сабаблари деб шуни эътироф этишимиз мумкинки, мазкур товарлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 5587-сонли Фармони билан 2019 йил 1 январдан қўлланиладиган солиқ имтиёзлари татбиқ этилмайдиган экспорт қилинадиган хом ашё товарлари рўйхати тасдиқланган.

Шу билан бирга шуни қайд этишимиз керакки, Фармонда мавжуд бўлмаган товар ва хизматлар экспортдан олинган фойдага фойда солиғининг 0 ставкаси қўлланиши ҳисобига трансферт нарх мавжудлигини текшириш фақатгина вақт сарфланишига сабаб бўлади.

Солиқ кодексининг 186-моддасида трансферт нархни белгилашда солиқ назоратида фойдаланиладиган усуллар тўғрисидаги умумий қоидалар ёритилган.

Унга мувофиқ, трансферт нархни белгилаш чоғида солиқ назорати ўтказилганида (шу жумладан назорат қилинадиган битимнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартлари ҳамда унинг натижалари таққосланадиган битимларнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартлари ҳамда уларнинг натижалари билан таққосланганда) Солиқ қўмитаси куйидаги усуллардан фойдаланади:

- 1) таққосланадиган бозор нархларининг усулидан;
- 2) кейинги реализация қилиш нархи усулидан;
- 3) харажат усулидан;
- 4) таққосланадиган рентабеллик усулидан;
- 5) фойдани тақсимлаш усулидан.

Зарур бўлган ҳолларда ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган икки ва ундан ортиқ усуллар комбинациясидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Энди мазкур усулларни қўллашнинг бир биридан фарқини ёритиб берсак. Бунда GSL Law & Consulting компаниясининг резидентлар учун аудит ва консалтинг бўлими бошлиғи Екатерина Давыдованинг маълумотларидан фойдаланиб, уни Солиқ кодекси талабларини инобатга олган ҳолда куйидагича ёритиб берамиз⁵².

Таққосланадиган бозор нархлари усули, агар Солиқ кодексининг 189-моддасининг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, назорат қилинадиган битимлар нархларининг бозор нархларига мувофиқлигини солиқ солиш мақсадида аниқлаш учун устувор ҳисобланади.

Яъни товар назорат қилинадиган битим доирасида олинганда ва тарафлари мустақил шахслар бўлган битим доирасида қайта ишланмаган ҳолда қайта сотилган ҳолатдан ташқари бўлган ҳолларда таққосланадиган бозор нархлари усули устувор ҳисобланади.

Мисол учун компания ўзаро боғлиқ юридик шахсдан товар сотиб олди, битим назорат қилинадиган битимлар тоифасига киради. Бундай битимларда солиққа тортиш учун даромадни қандай усул бўйича ҳисоблашни аниқлаймиз.

Юқоридаги усуллардан фойдаланган ҳолда ҳисобланган бозор нархлари, фойда ва зарарлар, агар бу текширув ўтказилаётган битим иштирокчиси томонидан бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасининг камайишига олиб келмаса, солиқ органлари томонидан қўлланилади.

⁵² <https://gsl-news.org/369663-rasschityvaem-rynochnuyu-czenu-po-vzaimo-2/>

Таққосланадиган бозор нархлари усули

Қачон қўлланилади?

Бозор нарhini аниқлашнинг бу усули, энг аниқ ҳисобланади. Агар бозорда ўзаро боғлиқ бўлмаган шахслар ўртасида бир хил (агар мавжуд бўлмаса, бир хил) товарлар бўйича камида битта таққосланадиган битим ва у ҳақида етарли маълумот мавжуд бўлса, бу назорат қилинадиган битимда қўлланиладиган нархнинг бозор нархиға мувофиқлигини аниқлаш имконини беради.

Солиқ тўловчининг ўзаро боғлиқ бўлмаган шахслар билан тузилган битимлари ҳам таққосланадиган битимлар сифатида ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари, “бозор нархлари тўғрисида оммаға очиқ маълумотлар” ҳам инобатға олинади.

Бошқача қилиб айтганда, таҳлил қилинадиган битимларнинг нарhini қуйидагилар билан таққослаш мумкин:

бозордаги ҳар қандай мустақил иштирокчилар ўртасида тузилган битимларнинг нархи (улар таҳлил қилинаётган билан таққосланадиган битимлар тузганда);

солиқ тўловчининг ўзаро боғлиқ бўлмаган шахслар билан тузилган битимлар нархи (битимлар ҳам таҳлил қилинаётган билан солиштирилиши керак);

бир хил товарларнинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбалардаги нархлари — реклама, нарх-наволар, каталоглар ва бошқалар.

Усулнинг моҳияти. Жамият томонидан ўзаро боғлиқ бўлган шахс билан тузилган битимнинг нархи бозорнинг мустақил иштирокчилари билан тузилган битимлар нархлари билан таққосланади. Бунда битимлар предмети бир хил (ўхшаш) товарлар ҳисобланади. Ёки битим нархи бир хил товарлар билан ташқи, ўзаро боғлиқ бўлмаган иштирокчилар томонидан тузилган битимлар нархлари билан таққосланади.

Агар фақат битта таққосланадиган битим тўғрисида маълумот мавжуд бўлса, таҳлил қилинаётган битим қуйидаги иккита талаб бажарилган тақдирда бундай битим билан таққосланиши мумкин:

битимларнинг тижорат ва (ёки) молиявий шартлари бир-бири билан тўлиқ таққосланса;

таққосланадиган битим бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) сотувчиси бир хил товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида устун мавқега эга бўлмаса.

Амалда қўлланилиши. Бир нечта таққосланадиган битимлар тўғрисида маълумот мавжуд бўлган тақдирда таққосланадиган бозор нархлари усулини қўллашнинг босқичма-босқич алгоритминини кўриб чиқамиз.

1-қадам. Таққосланишда қўлланадиган нархлар тўғрисидаги маълумотлар ўсиб бориш тарзида тартибға келтирилади. Бунда рентабелликнинг ҳар бир кўрсаткичига, энг камидан бошлаб ўз тартиб рақами берилади. Агар танланма рентабелликнинг икки ва ундан ортиқ бир хил кўрсаткичини ўз ичига олса, унга барча шундай кўрсаткичлар киритилади.

2-қадам. Бозор нархлари оралиғининг минимал қийматини аниқлаймиз. Бунинг учун таққосланадиган кўрсаткичлар сони 4 га бўлинади. Масалан, намунада 12 та кўрсаткич мавжуд, $12/4 = 3$. Биз 3-рақамли нарх қийматини ва кейингисини оламиз. Ушбу қийматларнинг ўртача арифметик қийматини топамиз. Бу интервалнинг минимал қиймати бўлади.

Бўлинмада қолдиқли сон бўлиши мумкин. Масалан, интервалда 13 та қиймат бор эди, $13/4 = 3,25$. Бундай ҳолда, 4-кўрсаткични олишимиз керак (бутун бўлмаган сонни юқорига яхлитлаш).

3-қадам. Бозор нархлари оралиғининг максимал қийматини аниқлаймиз. Бунинг учун намунадаги қийматлар сони 0,75 га кўпайтирилади ва ўртача арифметик қиймат кейинги ўсиб боровчи қиймат билан аниқланади. Мисол учун, намунада 12 та нарх қиймати мавжуд, $12 \times 0,75 = 9$. Биз 9 ва 10 рақамли қийматларни оламиз ва ўртача арифметикни топамиз.

Агар 0,75 га кўпайтирилганда, қолдиқли сон бўлса, уни яхлитлаймиз. Масалан, 13 та қиймат оралиғида $13 \times 0,75 = 9,75$. Бундай ҳолда биз 10 рақамини олаемиз.

4-қадам. Таҳлил қилинаётган битим нархи интервалга мос келишини текшираемиз.

Агар у оралиқ “ичида” бўлса, у бозор нархларига мувофиқ бўлган нарх деб ҳисобланади.

Агар нарх бозор нархлари оралиғининг энг кам миқдоридан кам бўлса ёки унинг энг кўп миқдоридан кўп бўлса, ушбу нарх бозор нархларига мувофиқ бўлмаган нарх деб эътироф этилади. Мазкур номувофиқлик мавжуд бўлган тақдирда, солиқ солиш мақсадида бозор нархлари оралиғининг ўртача қийматига тенг бўлган нарх қабул қилинади.

Солиқ солиш мақсадида ушбу аниқланган нарх, бюджет тизимига тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини камайтирмаса ёки солиқ тўловчи зарарининг суммаси ошишига олиб келмаса қўлланилади.

Хулоса ва таклифлар.

1. Назорат қилинадиган битими мавжуд бўлган ҳолда бу ҳақидаги хабарномани тақдим этмаганлик учун жавобгарликни белгиланиши ва назорат қилинадиган битим тўғрисидаги хабарномани тақдим этиш учун ягона муддатнинг ўрнатилиши солиқ назоратини амалга ошириш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилади.

2. Солиқ кодексининг 187-моддасига рентабелликни ҳисоб-китоб қилишда юридик шахс 25 фоиздан ортиқ бўлган улуш билан бошқа юридик шахс фаолиятида бевосита ва (ёки) билвосита иштирок этмайди ҳамда бевосита иштирок этиш улуши 25 фоиздан ортиқ бўлган иштирокчи (акциядор) сифатидаги юридик шахсга эга бўлмайди деган қоидадаги 25 фоизни 20 фоиз этиб ўзгартириш юзасидан таклиф ишлаб чиқилди.

3. Солиқ кодексига тарафларидан бири Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти бўлган ўзаро боғлиқ шахслар ўртасидаги битимларни назорат қилинадиган ташқи савдо битимлари деб эътироф этилиши тўғрисида ўзгартириш киритиш ва бунда битимлар бўйича даромадларнинг тегишли календарь йилдаги суммаси бир миллиард сўмдан ортиқ бўлишини инobatга олиниши мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Davlat soliq qo'mitasi ma'lumotlari. www.soliq.uz.

Б.А.Хасанов (2003). *Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Монография. Т.: «Молия», б. 154.*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири). 176-178 моддалар. www.lex.uz/docs/4674902.

Соя-Серко А.А. (2020) *Трансфертное ценообразование: на что нужно обратить внимание аудиторам.* www.cyberleninka.ru/article/n/transfertnoe-tsenoobrazovanie-na-chto-nuzhno-obratit-vnimanie-auditoram

Аврова И.А. (2007) *Управленческий учет.* – М.: Бератор-паблишинг. – 324с.

Богатин Ю.В. (2007) *Управленческий учет: информационное обеспечение рациональных плановых решений фирмы.* – М.: Финансы и статистика. – 512 с.

Друри К. (2003) *Управленческий учет для бизнес-решений: Учебник; Пер. с англ. М.:ЮНИТИ-ДАНА.* – 655 с.

Попова Г.Л. (2014) *Классификация формализованных методов оценка налогового потенциала. Экономический анализ: теория и практика.* 34 (385) –с.44-55.